

Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар олдда турган вазифалар ҳақида гапирар экан, «маскув ҳаракатдан сайланган депутатлар атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига оид қонунчиликни янада ривожлантиришга, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти идоралари, шунингдек, турли ижтимоий ва бошқа тузилмаларнинг бу соҳада шу пайтга қадар қабул қилинган ҳужжатларни сўзсиз бажариш бўйича масъулиятини ошириш юзасидан тизимли ишларни ташкил қилишга кўмаклашишлари лозим», дед Экоҳаракатнинг ҳаракат дастурига янада аниқлик киритиб, устувор йўналишларини белгилаб берди.

Табиат мусаффолиги — аҳоли саломатлиги гарови

Бу, ўз навбатида, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатларга юксак ишонч билдирилганлиги баробарида, мамлакатимиз атроф табиий муҳитини муҳофаза қилиш, экологик ҳолатни яхшилаш, аҳоли саломатлигини таъминлаш борасидаги вазифаларни собитқдамлик билан амалга ошириш борасидаги фаолиятида юксак масъулият ҳам демакдир.

(Давоми учинчи бетда)



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Маълумки, мустақиллик йилларида юртимизда экологик муаммоларни барта- раф этиш ва уларнинг салбий оқибатларининг олдини олиш борасида муайян тахрибелар орттирилди. Соҳадаги вазифаларнинг миқдоси ва ҳўлами мамлакатимиз ҳамда минтақада экологик ҳолатни соғломлаштириш масалаларини комплекс ҳал этишда давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг савъ-ҳаракатларини бирлаштиришни талаб қилади.

Мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши, аҳоли турмуши фаровонлиги ҳамда саломатлиги, шунингдек, миллий хавфсизлик — табиий экотизимлар ва атроф-муҳитнинг муносиб сифатини сақлаб туриш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уни қайта тиклаш орқали кафолатланиши мумкин. Бу борада Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти сифатида мустақил сиёсат олиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бозор иқтисодийти муносабатлари шароитида ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви натижасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқишга кулай имкониятлар яратилди. Ўзбекистон БМТ, ЕХҲТ билан атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаол ҳамкорликни йўлга қўйиб, бу йўналишда ўнлаб муҳим конвенцияларни ратификация қилди. Экологик тараққиётнинг халқаро, минтақавий муаммоларини ҳал этиш учун Барқарор ривожланиш Концепцияси ва Миллий стратегияси, «XXI аср кун тартиби», атроф муҳитни, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, биологик хилма-хилликни сақлаш, чўлланишга қарши кураш, озон қатламни эмирувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш, чиқиндиларни бошқариш: Миллий ҳаракат режалари, парник газлари эмиссиясини камайтириш Миллий стратегияси қабул қилинганлиги фикримизнинг исботидир.

Буларнинг ҳаммаси истиқлол туфайли Ўзбекистон нафақат ўз халқининг, балки келажак авлодларнинг ҳам соғлом атроф-муҳитда,

аслидек аралган табиат билан уйғунликда яшаш ҳуқуқини кафолатлаш билан бирга, инсониятнинг ҳам табиат олдиди муқаддас бурчи борлиги англаб етилган оқилона, узққни кўзловчи сиёсат олиб борилаётганини аниқлатади.

Айтиш керакки, бизга собиқ тоталитар тузумдан нафақат миллий, балки минтақавий, ҳатто умумбашарий аҳамият касб этган оғир экологик муаммолар мерос бўлиб қолди. Дунёда бирор-бир мамлакат Ўзбекистон каби бир авлод кўз ўнгиди Орол денгизининг қуришидек ўта оғир ва мураккаб экологик муаммога дуч келган эмас. Шунинг учун ҳам минтақаларо ва глобал экологик муаммолар ечимини топишда Экоҳаракат ва унинг фаоллари эндиликда ҳам ёш, ҳам мустаҳкам сиёсий куч сифатида намоён бўлмоғи керак.

Экоҳаракат депутатлари гурӯҳи барча партиялар фракциялари билан ҳамкорликда ва ҳамжихатликда мамлакатимизнинг амалдаги экологик қонунчилигини янада такомиллаштириш борасида кўйидаги асосий йўналишларда: атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳоли саломатлигини қимор қилиш бўйича махсус қонунчилик ҳужжатлари тизимини ривожлантириш ҳамда бошқа соҳалардаги (маъмурий, фуқаровий, жиноий ва бошқа) қонунчиликнинг экология талабларига муносиблигини шакллантириш; экологик қонунчиликни халқаро экологик ҳужжатлар билан уйғунлаштириш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, соҳасидаги халқаро ҳуқуқ ҳужжатларига қўшилиш, уларни ратификация ва имплементация қилиш; экологик қонунчилик ижросининг сўзсиз таъминланиши бўйича назорат-таҳлилий фаолиятни амалга ошириш борасида мунтазам иш олиб бориши лозим.

Эътиборлиси, ушбу йўналишларда ҳозирги кунда амалий ишлар бошлаб юборилди. Экологик қонунчиликни муайян тартибда тизимлаштириш ва уни босқичма-босқич кодификациялаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсати қонунчилиги асосларининг бугунги ҳолати, янги комплекс характердаги умумлаштирилган бош коди-

фикациялаш актини қабул қилиш ҳамда экологик қонунчиликни кодификациялаш жараёнини босқичма-босқич ўтказиш белгилаб олинди.

Қонунчиликни бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик чоралари самарадорлигини ошириш вазифаларини ҳал этиш имконини берувчи жаҳон андозаларига мос, янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикасининг экология, табиатни муҳофаза қилишга оид қонунларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш режалаштирилди.

Парламент ҳокимиятининг ролини кучайтириш мақсадида бошқа партиялар фракциялари билан ғоя ва дастурларнинг соғлом рақобат кураши асосида, аҳолини ўйлантриётган экологик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини янада чуқурроқ ўрганиш, уларнинг ечимини топиш чораларини кўриш ҳамда бу соҳада аниқ мақсадли дастурларини ҳаётга татбиқ этиш Экоҳаракат депутатлар гурӯҳи фаолиятини ривожлантиради.

Умуман, эндиликда Экоҳаракатни ташкил этиш ва унинг фаолиятини ривожлантириш орқали миллий хавфсизликнинг ажралмас қисми ҳисобланган экологик хавфсизликни таъминлаш борасидаги Ўзбекистон тажрибасини қатор нуфузли халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар илгор ғоя сифатида ўрганаётганининг ўзи бизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотади ва аини пайтда устувор дастурий вазифаларни бажариш йўлидаги масъулиятимизни янада оширади. Бу борада Президентимизнинг «Агар биз фарзандларимиз соғлом бўлишини истасак, бизга соғлом экология керак», деган фикрлари барчамиз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Шундай экан, Барқарор авлод йилида биз фарзандларимиз соғлом бўлиши йўлида соғлом муҳитга, соғлом экологияга эришиш учун мустаҳкам пойдевор қўйишимиз зарур. Зеро, Экоҳаракатнинг бош шiori «Соғлом муҳит — инсон саломатлиги» эканлиги ҳам бизни ана шу мақсадлар сари дадил одимлашга ўндайди.

Ўтабек АБДУҒАНИЕВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси депутати,
Экоҳаракат депутатлар
гурӯҳи аъзоси